



МАРВАРИД

ФИКРЛАР

СЕРКА КАТТАЕВ

**МАРВАРИД
ФИКРЛАР**

Тошкент
“Муҳаррир нашриёти”
2009

Серка Каттаев тиббиёт фидойиси сифатида инсон танаси саломатлиги йўлида меҳнат қилиш билан бирга, инсон қалби, маънавиятини соғломлаштириш йўлида ҳам астойдил ҳаракат қилмоқда. Унинг навбатдаги тасниф этган ушбу китоби «Марварид фикрлар»да инсоният тарихида яхши из қолдирган улуғ мутафаккирларнинг дурдона фикрлари, ҳикматли сўзлари жамланган. Бу жамланма китоб сиз азиз китобхонларда яхши таассурот қолдиради, деб умид қиламиз.

Т а қ р и з ч и:
Абдуғафур Искандар
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-354-31-9

© Серка Каттаев,
© “Муҳаррир” нашриёти,
Тошкент, 2009 йил.

ЖАҲОН ҲИКМАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

Инсон қанча кўп билса, шунча зерикмайди, чунки дунё олимларининг ҳикматларида жуда катта маҳсулият борлиги аниқдир...

Абу Али ибн Сино кексалик вақтида айтган экан: «Мен шундай хулосага келдимки, ҳали билганимдан билмаганим кўп экан». Шунинг учун олимларнинг фикрларини ўрганайлик, токи биз тирикмиз ёш авлодни баркамол руҳда тарбиялайлик!

Олийгоҳда ўқиб юрганимизда марҳума Мария Семёнова Мирзлова деган устоз домламиз айтар эдилар: «Как плохо, кто не читает». Бизнинг дарсларимиз кўп, десак, у киши ҳар кун 2 соат ўтган олимларнинг асарларини мутолаа қилсаларингиз бу бутун умрни яхшилик кунлар билан ўтказишга ёрдами катта бўлади, деб айтар эди.

Тўғри, ҳозирги даврни ҳар ким ўзича тушуниб ҳар хил фикрларни кўз олдига келтириб, нима учун бир хил турмуш тарзию, тараққиёт ҳар хил, деб дунёга бир томонлама ўзининг қисқароқ фикрлари билан қарайди...

Биз ўтганларнинг фикрларидан узоқлашиб бормоқдамиз. Бунинг исботи шуки, кейинги йилларда китоб ўқишга қизиқиш озайиб бормоқда, аптека, ошхона, тўйхона, ҳар хил кафелар, ўтириш-тўйлар, ашулалар кўпайиши бу ҳам яхши. Лекин, китоб дўконларининг озлиги, китобхонлар, кутубхоналари озлигини бир қарашдаёқ сезамиз.

Олимлар йиғилишиб улуғ рус ёзувчиси Гоголга бир савол берганлар: Нима учун одамларнинг ҳайкалини, суратларда кўкракдан юқорисини олинади-ю бутун тана сини олинмайди?

Гоголь уларга, кўкракдан юқорисида одамда мия бор, юрак бор, кўз бор, тил бор, қош бор, қулоқ бор, тиш бор, фаросат бор ва ҳоказо... кўкракдан пастида овқат чиқиндилари бор-ку, деб жавоб берган экан. Шундан билса

бўладики, бизнинг Термиз шаҳримизда 140.000 аҳоли бор жойда 30-40 тўйхона, 20дан ошиқ ресторан, 15 жойда тандир-кабоб, 100дан ортиқ ошхона, 200 дан ортиқ ҳар хил сомсахона-мантихона ва ҳоказо... Овқатхоналар бу ҳам яхшидир, лекин, шаҳарда ва айниқса туманларда китоб дўконлари жуда ҳам оз, йўқ ҳисобида!

Мен, шифокор олим шу нарсалар билан қизиқиб ягона бой китоб дўконига бориб тураман, одамлар Карпов бозорига ва «Юбилейный» озиқ-овқат бозорида кўпроқ бўлиб савдо қилишади, лекин китоб дўконига қизиқишлари жуда оз. Бунинг сабаби менимча китоб ўқувчи озайганлигидир. Шу фикрлар уйқумни учириб дунёдаги доно олимларини ҳикмат тўпламларини тўплаб тайёрлаб бир савоб ишга ўз маблағимдан шу китобчани сизларга ҳавола қилиб дунёдаги ҳикматлар бир қисмдан биргалашиб ёш авлодга келажакимиз тараққиётига ёрдам бўлади деган умиддаман..., айниқса 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ишни ушундан бошласак, келажак учун ғамхўрлигимиздан далолатдир, деган умиддамиз.

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг:

«Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи»,— деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадики, узугидаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон ғазаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига оладида, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида «Бу ҳам ўтиб кетади»,— деган ёзувлар бор эди. Сулаймон аччиқ кулимсираб узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

Авлодлар келиб-кетаверадилар, Ер эса абадий қолаверади.

С. Камтаев

КИТОБЛАР ХОСИЯТИ

Китоб — битмас-туганмас ҳақиқий хазина. Уни ўқиб тугата олмайсан. Ҳар гал мутолаа қилган сайин бирор-бир нарсани кашф қиласан.

* * *

Ҳеч ким сизга китобчалик маслаҳат, танбеҳ беролмайди. У энг ишончли дўст, меҳрли ва ўта қаттиққўл устоз. У айтади, аммо сўзни ҳеч қачон қайтариб олмайди.

* * *

Китобга меҳр қўйган одамда ёмонлик йўқ. Унинг қалби тоза, нияти пок, мақсади эзгулик билан йўғрилган бўлади.

* * *

Китобга ошно бўлмаган одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Тошбағир, бемеҳр, худбин кимсалар китобдан бебаҳра инсонлардир.

* * *

Юракдан айтилган энг қайноқ, ҳақиқий ва ибратли сўзлар ҳам китобдандир. Унинг кераклисини танлаб олиш сенинг измингдадир. Энг муқаддас, қадимий ва илоҳий сўзлар ҳам китобга битилиб, бизгача етиб келган. «Ҳадиси шариф»да «Бешикдан қабргача илм изла», деб бежиз айтилмаган.

* * *

Китобни кўп ўқиган бола — доно ва ақлли фарзанддир.

* * *

Китобсиз уй-меҳрсиз уй.

* * *

Китоб — бу компас, сени адаштирмай, манзилга етказади.

* * *

Узоқни кўзлаган, эзгу мақсадга интилан киши китоб ўқийди. Ота-онасига яхши китоб совға қилган фарзанд — оқил ва доно, меҳрибон ва садоқатли ўғил-қиздир.

FAZZOLIY

Ақоид илмининг билимдонларидан бири Суютий имом Фаззолий ҳақида шундай деган: «Агар Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин яна бир пайгамбар дунёга келиши мумкин бўлганда, бундай саодат шубҳасиз Фаззолийга насиб этарди»

* * *

Аллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ жоиз,— дейди Фаззолий. Кўрган нарсангнигина қабул эт, эшитганларингни унут: Куёш бош кўтаргач, Зуҳални томоша қилишдан бизни маҳрум қилади.

* * *

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўраолмайди. Кўришдан маҳрум одам эса тушуна олмайди. Тушунидан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

* * *

Пайгамбардан сўрадилар: «Халқларнинг кулфатига нималар сабаб бўлади?» У зот шундай жавоб қайтардилар: «Манманлик, гердаиш, такаббурлик, рақобат, тарқоқлик ва ҳасад халқларга кулфат келтиради. Ана шулар туфайли аввал халқлар ўртасида ажралиш юз беради, сўнгра тартибсизлик бошланади». Учта олам мавжуддир: уларнинг

бири зоҳирий иккинчиси ботиний олам бўлса, ҳар иккинсининг орасидан яна бир олам-руҳий олам ўрин олган.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Кўзни юмғил, кўзга айлансин кўнгил

* * *

Ўлимимдан сўнг мени қаро ердан эмас, маърифатли инсонларнинг қалбидан изланг.

* * *

Эзгуликдан бир қалъа барпо айлангким, маҳкамликда анга ҳеч нарса тенг бўлолмас.

Бу олам бир бору бир йўқ. Аста-аста кетганлар-йўқ, аста-аста келувчилар бор. Аё, сарв! Юксакларга интилмоқни бизга ҳам ўргат!

Эй доно одам, сен энг аввало нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма!

* * *

Сўз— либос, маъно шу либос остига яширинган сир.

* * *

Кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Аммо биз кўзгусиз ўзимизни ҳеч қачон кўролмаган бўлардик.

Сен менга сўз ожиз дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзнинг ожизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам ожиздир.

ФОРОБИЙ

Ҳукумат раҳбариди куйидаги 12 та туғма сифатлар жам бўлмоғи жоиз: хушбичимлик, фаҳм — фаросатлик, ўткир хотира, ирода, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрини сақлай билиш, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олижаноблик, бой-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4234> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4234> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4234>